

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1988 йил 1 июльдан чиқа бошлаган.

№ 62 (6. 551)

1988 йил 16 март, чоршанба

Баҳоси 3 тийин

Бутун дунё пролетарлари, бирлашининг!



Янгиланиш йўлида

ТАШАББУСКОРЛАР

▲ Ўткир Маҳмудовни шахримиздаги 1-автоклубнинг коллективи яхши танийди. У ҳамisha социалистик мусобақада фаоллик кўрсатиб келмоқда. Ўз зиммасига олган юксак мажбуриятга яраша гайрат билан ишламоқда. Кунинча у Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига ташкил этилган мусобақада муҳим кўрсаткични қўлга киритди: беш йиллик шахсий топширгини муддатидан илгари — икки йил икки ярим ойда бажарди. Конференция шарафига у ўз зиммасига янги мажбурият қабул қилди: беш йилликнинг туртинчи йили учун ҳисоб очди.

▲ Автоклубнинг 3-автоклубининг бу пешқадам ҳайдовчисининг ҳамкасби Қобил Раззоқов ҳақида ҳам худди шундай илқ сўзларни айтиш мумкин.

1-автоклубнадам М. Орифжонов ва С. Гасановлар, 2-автоклубнадам Нурмухам

мад Бекмуҳамедов ва бошқалар ўз зиммаларига юксакликни топириқларини виждонан адо этмоқдалар.

▲ Сўз мусобақа ташаббускорлари ҳақида борганда, аниқсиз, 4-автоклубнада коллективини фахр билан тилга оламиз. Бу автоклубнада бутун автоклубнада энг намунали ҳисобланади.

Коллектив бу ойда ҳам январь ва февраль ойларидан иш мароми ва суръатини сақлаб қолди ва ҳатто ундан ошириш учун курашмоқда.

Қобил Орипов бу автоклубнада пешқадамлар сафиди боряти. Шунингдек, илгорлар номи тилга олинганда Ш. Тошхўжаев, Г. Губайдуллинлар гайрат ва ташаббусини таъкидлаш лозим. Негаки, улар аҳолига юксак хизмат кўрсатиш маданияти учун курашмоқдалар.

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан

Коммунист номини улуғлайлик

Ҳозирги пайтда коммунист образи-этиборини тиклаш, унинг масъулияти ҳамда сиёсий ҳушёрлигини янада ошириш ҳақида кўп гапирилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Партия сафларига суғилиб кириб олган маънавий нопок, шахсиятлараси айрим кишилар коммунист деган улуғ номига доғ туширишлар, партия билан алоқани пиллаполаридан поғонама поғона кўтарилиш воситасига айлантиришлар. Сир эмас, партия аъзоллигига ўтказилганларнинг сиёсий билими, таъкилотчилик қобилиятлари билан ҳеч ким қиёқмасди. «Планини бакарса бўлди», дейишарди. Ваҳоланки, коммунистнинг вазифаси бу билангина чекланмайдиган. У ўзининг шахсий фаилатлари билан одамларга ўрнак бўлиши, уларни олижаноб мақсадлар сари етаклаши зарур.

Бирлашмаишда 5 та цех партия ташкилоти, 4 та партия гуруҳи мавжуд. Коммунистларимизнинг сафи 237 кишини ташкил этади. Биз коммунистлар ҳамда ишчиларнинг ҳар томонлама муаммалар бўлишлари алоҳида этибор бермоқдамиз. Бунда аттестациянинг аҳамияти катта бўлмоқда.

Коммунистлар аттестацияси биринчи навбатда уларнинг билим доирасини кенгайтирмоқда, сиёсий активликларини оширмоқда. Мен ишчиларнинг дам олиш соатларида газета-журналлар ўқишга ташкилотчилик, ҳўжалик ҳисоби, бригада пудрати ҳақида бир-бирлари билан қизгин мулоқот олиб боришга ташкилотчиликни қўлланаман. Демак, одамлар қайта қуриш жараёнида қи-зиқишмоқда.

Бирлашмаишда Бутуниттифоқ XIX партия конференциясини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун ўзаро социалистик мусобақа аниқ олдирилмоқда. Бошлангич партия ташкилотчи фаилатининг мақсулоти си-фатига ишчиларнинг ижодий активликларини оширишга самарали таъсир этишини таъминламоқда. Ўтган йили иш-

лаб чиқариш планлари муваффақиятли бажарилиб, соф даромад кўрсаткичи 114,4 процентга етказилган. Бу йил ҳам ютуқларимизни янада кўпайтирамиз. Коммунистларимиз мусобақанинг олдинги сафларида боришмоқда.

Партия сафига кирмоқчи бўлган ҳар бир йилнинг биринчи навбатда қатъий белгиланган имтиҳондан ўтиши лозим. Уларга иккинчи таърибли коммунист бирик-тириб қўйилган. Резервлар ҳамда ёш коммунистлар билан иш олиб боришни янада яхшилаш мақсадида бирлаш-мада партия комиссияси тўз-моқчимиз.

Партия аъзоллигига номзодларга комсомол-ёшлар билан иш олиб бориш, халқ назоратчиларига қўмақла-шиш вазифаларини топиш-рамиз. Улар ана шу муҳим участкаларда актив фаилат кўрсатиш, кандидатлик си-новидан ўтмоқдалар.

Бирлашмада ишчилар билан қўлай шартлар яратилмоқ-да. Ҳар бир цехда фонтан, жонли бурчак, дам олиш хо-налари мавжуд. Ишчи, у ким бўлишидан қатъий назар, ўз ташқи кўринишига ҳамisha эътибор бериб юриши зарур, деб ҳисоблаймиз. Шунинг-дек, ишчи-хизматчиларнинг соғлиқларини муҳофаза қи-лиш ҳам намунали йўлга қўйилган.

Келажакда ўзимизнинг дам олиш зонамиз бўлади. Ҳозир Хумсонда қурилиш ишлари олиб боришмоқда.

Энди илгаридек қуруқ ваъзхонлик, қорозда бору амалда йўқ мусобақалар, камчиликларни хас-ўслаш-лар билан иш битмайди. Со-циалистик демократия нег авж олдирилганда шу кун-ларда ҳар биримиз ошқорла-ликка ўрганишимиз, комму-нист номини улуғлаб, уни нималарга қодирлигини кўр-сатишимиз керак.

Қаҳар РУСТАМОВА, Тошкент кўн-галатереси ва спорт бўйламини ишлаб чи-қариш бирлашмаси цех пар-тия ташкилотининг секретари, Октябрь район Совети депутати.

Тонгги газеталарда

- ◆ КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Югославияда бўлиши, Совет — Югославия музокаралари тўғрисида расмий хабарлар берилган.
- ◆ М. С. Горбачевнинг Хитой ўқувчилари хатига жавоби эълон қилинган.
- ◆ Ўзбекистон агросаноат комплексини ҳодимлари курулоти қатнашчиларнинг колхозчиларга, совхозларнинг ишчиларига, республика агросаноат комплексини бarchа меҳнаткашларига Мурожаатнома-си босилган.



33-57-02

32-55-35

«Алло... истагингизни эшитамиз...»

«Ишончли мулоқот» давом этапти. Ҳар бир кўнгирақ эгаси ҳаётимиздаги камчиликлардан ранжиб, ютуқлардан суюниб сўзлашапти.

Бу галги мулоқотимиз географияси аввалгиларига қараганда бир мунча кенгроқ бўлди. Газетхонларимиз ҳам активлик кўрсатишди. Уларни ташвишлантираётган масалалар ҳам.

Ўқиб кўринг-а:

- Ренат Иззатуллин — «Главташкентстрой» пай-вандловчиси: — Газетадаги уй-жой муаммоларига бағишланган материаллар ўз вақтида эълон қилинган. Негадир шахримиздаги тарихий ва маданий ёдгорликлар ҳа-қида ҳеч нарса эълон қи-лмайсанлар. Уларнинг та-қдир, ҳозирги аҳоли ҳақи-да кўпроқ ёзилсин, токи халқимиз билиб қўйсин.
- Бехзод Фалмов — Ўз-бекистон ССР ФА биохим-ия институтининг илмий ҳодими: — «Шанба оқшоми» ни жуда мириқиб ўқийман. Ма-териаллар бири-биридан ях-ши, шунингдек кўпроқ ёзу-ви ва олимларимиз билан га-зета саҳифаларида уч-рашсан, уларнинг янги аса-рлари, ижодий режалари би-лан танишсан деган истагим бор.
- Тўқимачилик ва ен-гил саноати институти-ни фалсафа кафедраси до-центи Эркина Салимова э-са шахримиз экологияси ҳа-қида қайғуриб деди: — Ориф Фармоннинг «Танаси бошқа дард бил-мас» мақоласини ўқиб юра-гим ўртаниб кетди. Газета-нинг ҳозиржавоблигини э-са қувондим. «Ишончли му-лоқот» худди шундай бўли-ши керак.
- Биз Орол денгизини ҳа-қида қайғуриб, деган шахримиз таъдирини унутиб қўйганимиз. Ахир Тошкентнинг эко-логик аҳоли Оролникидан яхши эмас.
- Яна «Тўйлар ҳақидаги уйлар»нинг фақат тўй ма-сумида эълон қилмай, до-имий бериб бориш керак.
- Олим Комилов — Чкалов номи Тошкент аэрокор-пусининг ишчиси: — Чойхоналар ҳақидаги

материалларни мунтазам бериб боришган. Чойхона — маданият ўчоғи бўлиши керак.

Қўқонлик алоқа бўлиши ҳодими Амина Мўминова ўз сўзида «Тошкент оқшом-и»нинг ниҳоят бу йил ўқий бошлаганини қувонч билан айтди. Унинг истаги: Алоқа бўлиш ҳодимлари ҳақида ҳам тез-тез мақолалар бе-рилинсин. Ахир почта хизмат-чиси ҳам қийин, ҳам ша-рафли насб эгаси-ку.

Навбатдаги телефон кўн-гирағи узоқ жингиллади. Нукуслик газетхон Сулув Нурселёваннинг овози эш-итилди: — Оролга тошкентлик-лар ҳам бефарқ қарамаёт-ганликларидан жуда ҳур-санд бўлдим. Шу сингари муаммолар ҳаётида жуда ҳам кўп. Улар ҳақида кўпроқ ёзилса...

Пейсонер Таназура Са-лимова бир гуруҳа онахо-лар номидан газета саҳифа-сидаги одоб-ахлоқ ҳақидаги материаллардан жуда мам-нун эканликларини изҳор этаётганлар. Бу темани яна ҳам кучайтириш кераклиги-ни, ёшларни ичкиликка рў-жу қўётганини ташвиш-ла-

ниб гапирдилар. Яна бир онахоимиз Ойсулув Ке-лдиева эса шаҳар ободончи-лиги ҳақида ўз фикрларини билдирдилар. Айниқса, Эски шаҳар, «Ганга» магазини атрофидаги антисанитария ҳолатлари ҳақида куюнча-лик билан айтидилар.

Мукаррам Фозилова: Сер-гели районидан 6-кутубхо-на мудири: — Мен «Замондошимиз» рубрикаси остидаги лавҳа-ларни ёқираман. Нега за-мондошимиз орасида ку-тубхоначилар йўқ. Улар ҳа-қида ҳам шу рубрика ости-да ўқиниш истардим.

Тошкент тўқимачили-ги ва енгил саноати ис-титутини 4-курс студенти Шарофиддин Мирзакари-мов фототўдларни кўп-лаб эълон қилишимизни илти-мос қилди. Кўпроқ санъат-корлар ҳақида материал ва фотолар берилиши зарурли-гини таъкидладди.

Неъмат Қўқоров — Тошкент 2-монтаж бошқа-маси бош инжениери: — «Тошкент оқшоми» ке-йинги ойларида жуда яхши-ланиб бормоқда. Ма-те-риалларнинг тематикаси, ба-

диийлиги ўқиган кишини қувонтиради. Бозорлар, нарх-наволар ҳақида, қури-лан уйлардаги шарт-шароит-лар ҳақида ҳам ўткир соци-ал очерклар берилса нур устига нур бўларди.

Абдулаҳад Қодиров — Калинин районидан «Ўзбе-кистон ССР 50 йиллиги» совхозинишчиси.

Озод Шарафуддинов-нинг «Кўйсак ҳам, сўйсак ҳам юракдан» сўхбати ме-нга каттиқ тасир қилди. У кишига катта раҳмат.

Ҳозир қайта кўриш. Им-кон бўлса оғизда қайта кў-риш тарафлари, аммо эски-ча «тўғил амалдор»лар ҳа-қида «ёвсиз ёсанлар»...

Филология факультети кан-дидати Нурмухаммад Хол-диев фикрлари, айниқса, биз-га манзур бўлди.

Республикада г и барча йўллар, сўмоқлар Тошкент сари келади. Тош-кент ССР Шарқидан энг улкан шаҳар. Аҳолиси 3.000.000 сари бормоқда. Бу кўрсаткичлар қалбимиз-да ифтихор уюштишдан ташқари, яна кўпдан-кўп муаммолардан ҳам дарак беради.

Шаҳар асрлар давомида шаклланган, сайқал топган турмуш тарзи, психология-си, муомала маданияти, урф-адомлари ва бошқа ўза-га хос хусусиятларга эга. Халқ эътиборини қозонган, одатга айланган анъана-

вий маросим, хусусият за-мирида чучук фалсафий мазмун ва гоялар ётади. Улар бажарилади, уларга риоя этилади. Ана шундай яхши анъаналар ҳақида ма-га қолалар бериб борилса ай-ни мундоо бўлур эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керак, азиз оқшомхонлар газетда босилаётган мақолалар ҳақида ўзларининг са-мийи, ошқора ва дадил фикрларини билдиршишмоқда. Яна қувончли шукки, «Ишончли мулоқот»да қатна-шаётган ҳар бир оқшомхон шаҳар ҳаёти, одамлар тақ-дир, меҳнат кишилари ҳақида ҳозирги қайта қуриш ва демократия пайтида ҳар бир виждонли киши ҳаёти-да актив бўлиши кераклигини алоҳида уқитиб ўтмоқда-лар. Оқшомхонлардан Шермамет Саримсоқов, Жаъид Сандобев, Сабохат Алиқориева, Бўри Тураев, Азиз Мир-содиқов, Мақсуд Сиддиқов, Муборак Хўжаева, Умда Абдуллаева, Назира Иноғомова, Шарофат Яхьяева, Сора Саримсоқова, Аҳмадхон Сайдалов, Хоёнат Абдурахмо-нова, Муборак Хўжаева, Мухтор Раёуллов, Шоқосиф Ях-ёев, Анвар Баттохон, Зокир Ёқубовлар ана шундай дил-истакларини телефон орқали ва йўллаган хатларида баён этишди.

«ИШОНЧЛИ МУЛОҚОТ» мухлислари! Сизларга суҳ-батимизда актив қатнашаётганингиз учун редакция чин юракдан МИННАТДОРЧИЛИК изҳор этади. Чунки Сиз кўтарайтган ҳар бир муаммо ва тақлиф шахримиз кел-ажанинг белгилловчи чизгилар, яъни яхши омил бўлади. Биз бу тақлифларга эътибор билан қараб, уларни ило-жи борича газета саҳифаларида ёритиб бораемиз.

«Ишончли мулоқот» навбатчиси Акмал АҚРОМОВ.

ЗАМОНДОШИМИЗ



Чеварнинг кўли гул

Кўчада сўхбатлашиб кетаётган қизлар бир зум тўх-таб қолди:

— Кара, кўйлагини жуда ажойиб тикилибдими? — де-ди улардан бири.

— Бўй! — иккинчи қиз ҳаяжонини яширолмади, — оддийгина материалдан-а?

— Ҳамма гап чеварда, материалда эмас, — деди би-ринчиси.

Ҳамма гап чеварда...

«Иш устасидан кўради» дейишарди. Ўз ишини пухта билган, энг муҳими кўнгилик қўйган кишининг бажарган ишн ҳамиша олқини олаверади. «Чеварнинг иши—эл кў-зида» дейди халқимиз. Чиндан ҳам асл матодан дид билан, маҳорат билан охириги фасонда тикилган кўйлагини кийиб кўчага чиққан аёлдан дастлаб «Кўйлагининг ким тикиди?» деб сўрашарди.

Наргиза Гулзебо опа сўзанааларга гул тикаётганда соатлаб маҳлиё термулиб ўтирар эди. Мағода гул. Гул бўлганда ҳам худди жонлидай! У ҳам онаси каби ғаро-йиб гуллар тиккиси келиб уринар, лекин барибир уйда-сидан чиқолмасди. Онаси эса қизининг тиршиқчилигини хурсанд бўлар эди.

Тикувчи бўлиш орзуси билан Наргиза 113-мактабнинг ўннинч синфини тугаллади. 30-маҳсус ҳунар-техника би-лин юртида ўқиди. 1982 йили тамомлаб, республика Моделлар уйидаги тикувчилар цехига ишга келди.

Наргиза ишлайдиган бригадда 24 қиз меҳнат қи-лади. Шўх, шаддо, қалб қайноқ, ишга қанқоқ 24 нафар ёш!

Наргиза ҳам сал кун ўтмаёқ улар билан апоқ-чапоқ бўлиб кетди. Билмаганини ўрганди, билганини ўргатди. — Бригаданимиз аъзолари сўнгги модада тикилган кўй-лакларнинг манжетини, айрим безакларини тикниш иш-ни бажаради, — деди бригада бошлиғи Вера Николае-на Юабова. — Ҳамма қизларимиз ўз касбининг устаси. Шундай бўлса ҳам Наргиза ҳақида икки оғиз гап айт-сам дугоналари ҳафа бўлишмасе керак. Наргизанинг ба-жарган ишн ҳам ўзига ўхшаш кўхлик, бежирим.

Наргиза ҳақида яна нима дейиш мумкин? У хонадон-да суюкли бека, тўқимачилик институтининг кечини бў-лим 3-курс талабаси, булажак конструктор.

Наргиза бу Абдулаҳад Маметовларга ҳамманинг ҳаваси келади. «Бир одамларга кўркам либос тикиди, бири эса уй қуради, барака топишсин» деб мақташади. Аслида бундан ортиқ бахт бўлмасе керак.

Т. ИҶЛДОШЕВ.

СУРАТДА: тикувчи-мотористка Наргиза Маметова.

Т. Каримов фотоси.

ҲОЙДАЛИ ЭНЦИКЛОПЕДИЯ

Ўзбекистон Совет Эн-циклопедияси Бош ре-дакциясини ҳодимлари ўқув-чиларга аталган энциклопедия-нинг напшдан чиқаришга киришдилар. Бу энциклопедия «У ким? Бу нима?» деб аталган уч жилдлик қомусдир. Бу китоб кўп нарсани би-лишга интилувчи болалар, ёшлар ҳамда катта ёшдаги китобхонларнинг саволлари-га етарли маълумотлар бе-ради.

Кенг ўқувчилар оммасига бу қомус орқали ҳаётнинг пайдо бўлиши, инсониятнинг ривожланиш жараёни, иқ-лолларнинг ўзгариши, мам-лакатлар, уларнинг аҳолиси,

ҳайвонот олами, машҳур ки-шилар, ёзувчилар ва улар-нинг асарлари, фанларнинг ҳамма соҳасида олиб бори-ётган илмий ишларнинг на-тижалари билан танишадил-лар, китобдаги маълумотлар-дан касб-хунарни еталаш учун назарий ва амалий са-боқ олади.

Ўзбек Совет Энциклопедия-си Бош редакциясини ол-тиминчи ва саксонинчи йил-ларда ўн тўрт жилдлик «Ўз-бек Совет Энциклопедияси», «Уй-рўзгор Энциклопедияси»-ни ҳамда бошқа китобларни нашр этиб, кенг китобхонлар оммасини хушнуд этган эди.

Т. ИСМОИЛОВ.

ТЕАТРЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Республика кўнгирақ те-атри актёрлари мамлакат-и-миздаги қатор ҳамкасблари билан яқиндан алоқа боғла-ган. Бундан икки йил муқад-дам чимикентлик артистлар Тошкентда гастролда бўли-б, ўз репертуаридаги энг яхши асарларини намойиш қилган эдилар.

Шундан сўнг ҳар иккала ижодий коллектив ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилди.

(ЎЗАТАГ).

Бундай маданий тadbирларга тайёргарлик кўриш жараёни-да ўзбек ва қозоқ авторла-рининг янги пьесаларини саҳналаштиришга катта аҳа-мият берилаётган.

Чимкент давлат кўнгирақ те-атри яқинда истеъдодли болалар адиби Р. Фарҳодий-нинг ижодида мурожаат этиб, «Ўткир шоҳли бўзоқ-ча» асарини ўз томошбани-ларига тортқ қилди.



◆ ВАРШАВА. ПХР Минис-трлар Советининг иккинчи сессия-сида 1987 йил мар-кисий йиллик плани ба-жари-лишга баҳо беришга бағиш-ланган мажлисида ўтган йили Польша халқ ҳўжалигини ри-воятлантиришда ижодий тен-денциялар сақланганини қай-д этилди. Мамлакат саноат ма-сулиги ишлаб чиқариши бир йилда 3,3 процент ошди, бу план топширилганда кўзда тутилгандан 0,3 процент кўп-дир, дейилди матбуот бюро-сининг хабарига.

◆ ОСЛО. Уртача ва камроқ олислик ракеталарини туга-тишга доир Совет — Америк-ка Шартномаси икки буюк давлат муносабатларида янги даврни бошлаб берса ҳам, у узоқ давом этадиган курул-силаниш даврининг бошланги-ши, холос, деди НАТОнинг бош секретари Лорд Карринг-тон. У шу йилнинг ёзида ўзи эғаллаб турган лавозимдан ке-тиши сабабли хайлашова ви-зити билан Норвегия пойтахти-га келган эди.

◆ ПАРИЖ. Францияда ҳар-бий-хаво кучларининг сўнгги йиллардаги энг катта машқа-ри бошланди. Умумийлиги ту-сга эга бўлган машқларда бар-ча турдаги миғиллаб француз ҳарбий самолётлари, шунинг-дек «иштифокчиларнинг ҳар-бий-хаво кучлари самолётла-ри» қатнашмоқда. Машқлар «танг вазият вужудга келган пайтда ҳарбий-хаво кучлари ва хаво муҳофази кучлари ҳа-ракатларини пишиқтиришга бағишланган.

◆ ВАШИНГТОН. Америка Қўшма Штатлари Бъзиз эле-ментлари космосда жойлашти-риладиган ракетадан муҳофа-за кўп қўллик системасини бо-сқини-босқин жойлаштириши бундай ҳаракатга тайёр бўли-ши биланок бошлаб юбориш ниҳатидир. АҚШ президенти Р. Рейган «СМТ: дастлабки беш йил» конференциясида сўзга чиқиб, ана шу режалар ҳақи-да гапирди. У «самовий уруш-лар» программасини амалга ошириш тўғрисида давом эти-ши керак, деб таъкид қилди ва Пейтсон бу соҳада эришган ютуқларни кўкларга кўтариб мактади.

◆ МАНАГУА. Сандиночлар халқ армияси ва Никарагуа ички ишлар министриги мах-сус қўшунларининг бўлимла-ри жануварий Рио-Сан-Хуан де-партаментиде тинч аҳолига эътибор қилиб келган ёлланган савматчи қалликесарлар ўпа-рини қириб ташладилар. Опе-рация чоғида йилдан нафар ак-тивчи қўшунчи ўлдирилди, би-р қанча ярадор қиллиди, ку-рол-ароқлар ва ўқ-дорлар қў-жа олинди.

Ҳикматли гаплар

Мангу даъваткор сиймо

Мамлакатимиз иқтисодий ва маданий ҳаётида қайта қуриш йилдиги зарурат сифатида оғли бир юриш тусини олаётган шу кунларда, ҳаёт муаммоларига жавоб берувчи, янгилаш, поклашнинг даври иш-шининг, маънавий қамолотнинг таъмин этилуви юксак баъдий асарларга эҳтиёж ортиб бораётган бир пайтда асримизнинг йирик адиби Ҳамза Ҳакимзода сингари классикларимизнинг баъдий мероси, уларнинг анъаналари ҳам шу кунги адабиётимиз билан бир сафда туриб хизмат этмоқда. Ҳамзанинг фидойилик, Батагна ва элга садоқат, ҳалоллик ва вафодорлигини улғувчи асарлари, макр ва ҳийлани, порахушлик ва таъмини, нопоклик ва сохатлигини, диний ақидаларни кескин фох қилиб, унга кураш оғтин оғтин сатрлари худди шу кунда ёзилгандек алоҳида бир оҳангда янграмоқда. Шу боисдан атоқли совет ёзувчиси Константин Симонов «Ҳамза асарлари кўп йиллар давомида ёзувчиларимиз ва олимларимиз томонидан кўн билан ўрганилади, чунки унинг асарларидаги жамини нарсалар кишини тўқчилантиради», — деганида гоят ҳақли эди.

Ҳамзанинг мураккаб ва машаққатли ҳаёти, ғушқин ижодий фаолиятини кузатган киши чинакам қаҳрамонлик намунасини кўради. Чиндан ҳам Бухоро, Хоразм, Наманган ва Қўқондаги маориф ва санъат ишлари йўлга қўйиш, бундаги катта қийинчилик ва қарама-қаршиликларни енга олиш, Қўқон ва Андижонда биринчи миллий театрда асос солиш, миллий музыка ва театр санъатида катта ислоҳ яшаш, граждандар урушининг энг қизғин даврида Закаспий fronti бўлаб ағитпоезда сийсий тарбиявий ишлар олиб бориб, «Улук сайёр сийсий труппаси» ва раҳбарлик, Шохмардондаги батрак-камбағал деҳқонларнинг коллектив ҳужалика ююштириш учун кураш... Буларнинг ҳаммаси машаққатли меҳнат ва бедорлик туфайли улгурди у. Айни чоғда адабиётнинг ҳамма жанрларида ижод этиб, катта бир халқнинг маданий бойлигига айланган улкан мерос қолдирди. Классик шеърининг энг яхши анъаналарини ривожлантирувчи 200 га яқин газалини ўз ичига олган «Девони Нихоний» тўплами, «Миллий ашуларлар учун миллий шеърлар мажмуаси» (1915), «Ўқил гул» (1916), «Яшил гул» (1916), «Ўқил гул» (1916), «Сарғил гул» (1917) каби шеърини тўпламлар, «Ёнғил адабиёт», «Ўқил китоби», «Янғил китоби» каби педагогик асарлар, «Янғил саодат», «Турмуш асҳаблари» каби йирик прозаик асарлар ва қатор публицистик мақолалар, қирқча йилли драматик асар... буларнинг ҳаммасини атғи 40 йил умр кўрган (1889—1929), 24 йил ижод этган бир киши яратган. Бунга Ҳамза юксак таланти, адабиётга бўлган кучли эътиқоди ва машаққатли меҳнати туфайли эришди.

Натижада у катта бир халқнинг янги тиндаги миллий адабиётга асос солган буюк маданият ва жамоат арбоби сифатида тарих саҳифасида мангу барҳаёт қолди.

Ҳамзанинг асосий хизмати ва улғуворлиги шундаки, у эски дунёни, унга ман-

суб бўлган барча пасткашликларни ва разиликларни узиб-кесиб рад этди. Октябрь революциясининг тарихий аҳамиятини чуқур англади ва пролетар революциясининг дастлабки кунларида бошлаб Советлар учун, социализм учун актив курашига айланди. Шунинг учун ҳам унинг серирира ва сермазун ижоди ўзбек халқи тарихининг ўзига хос баъдий йилномаси бўлиб қолди.

Унинг новаторлиги даставвал янги ижтимоий даврга қамоқдан бўлган янги го ва янги темалар билан адабиётини бойитгани, социалистик реализмнинг муҳим принципларини ўз ичиди практикасида мужаасамлаштира олгани, ўтмишда таҳрирланган ва камситилган хотин-қизлар ва меҳнаткаш омма вакилларини — курашчан ижодий қаҳрамонларни адабиётга олиб киргани, ленинизм гоилари билан қурулган ҳолда мунтазам ижодий изланиш ва катта таланти туфайли юксак ижод намунасини кўрсатганида ҳам кўринади.

Ҳамзанинг революция бонги деб аташ мумкин бўлган жанговар поэзияси ва чуқур ҳаётини драматик асарларининг асосини халқимиз ҳаётидаги ана шу муҳим тарихий воқеа — Октябрь революциясини юксак пафос билан қуйлаш, ҳаммага эски билан янги ўртасидаги курашни янгининг афзаллиги мисолида тасвирлаш ташкил этганлиги бекиб эмас.

Ўзбек совет адабиётининг илк даврини, унинг социалистик реализм адабиёти бўлиб шаклланиш даврини характерловчи бу асарларнинг майдонга келишидек катта адабий ҳодисани: «Ҳамза Ҳакимзода Ниязийнинг шеърлари Ўзбекистоннинг биринчи революцион кўшиқлари эди» (Абдулла Қаҳҳор), деб баҳолашни жуда табиий ва қонуний эди.

Ҳозирги куннинг энг ўткир, энг ҳаётини масалалари Ҳамзани ҳаммага тўқчилантириб келди. Унинг асарлари беқисс актуаллигининг сабаби ҳам ана шунда эди. Шармандали мустамлакачилик системасининг муқарраф емирилиши ҳақида Ҳамзанинг бундай 50 йил илгари «Наҳон сармоиясининг сўнгги кунлари» пьесасида ифодаланган фикрлари бизнинг кунларимизда ҳам янада катта куч билан бонг ураётганлигининг сабаби ҳам шундан эди.

Халқимиз буюк адибининг хотирасини муносиб ардоқламоқда. Ҳозир Ҳамзанинг келаси йили нийшонланадиган 100 йиллик татанасида кенг таъйирлар кўриломоқда. Унинг танланган асарлари ўзбек ва рус тилларида нашр этилади. Шунингдек, бошқа қардош халқлар тилларида, Ҳамза эътиша ҳозирлик қўриломоқда. Ҳамза ҳаёти ва ижодига бағишланган монография ва рисоалар ёзилмоқда. Ўзбекистон ССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти ҳодимлари «Ҳамза ижоди проблемалари», «Ҳамза ва замон» (рус тилида) тадқиқотлар китобини нашрга таъйирлашди. 5 томдан иборат «Ҳамза мукамал асарлари»нинг тизилган, қайта ишланган ва тўқчилланган янги нашри устида иш олиб бориломоқда.

Ғаффор МУМИНОВ,
филология фанлари кандидати.

Тошкент—Скопје: университетлар ҳамкорлиги

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети ўзбек филологияси факультетининг декани, филология фанлари доктори, профессор И. Қ. Қўқортоев Скопледан яхши қайғириб ва катта режалар билан қайтиб келди. Унинг ҳозирги сафарини ТошДУ ва Скопје университети туркишуносларининг биргаликдаги ишлари асос солди. Биродарлашган шаҳарлар асосий олий ўқув юрларининг 1974 йилда бошланган ҳамкорлигида янги йўналиш очилди.

— Югославиялик ҳамкасбларимда узоқ муддатли асосда амалий алоқаларни ўрнатилга қизқиш ва самимий иштиёқни англадим, деб ҳикоя қилади олим. — Скопледанги университетнинг туркишунослик кафедрасида туркум лекция ўқидим. ўқитувчиларни мунтазам айирбошлаш ҳақида келишиб олдик. Шу баҳор-ёки ёзда Тошкентта Скопје туркишунослари келиши кутилмоқда, улар ўзбек филологияси факультетини ишлайдилар. Мутахассислигимиз бўйича турли лугатлар, қўланмалар тузиш учун куч-ғайратларни бирлаштиришга аҳд қилинди.

Ўтган йили Македония пойтахтида биродарлашган шаҳарлар университетларининг навбатдаги беш йилга мўлжалланган ҳамкорлиги тўғрисида янги шартнома тўзилган эди. Унда турли соҳалардаги ўқитувчилар ва мутахассислар айирбошлаш, биргаликда тадқиқотлар ўтказиш қўлда тутилган. Бу йил биринчи марта университетлар бир-бирларига студентлар юборди. Илмий-техникавий ҳамкорлик ҳам кенгайиб ва чуқурлашиб боради.

(ЎзТАГ).

Умид кушандаси

Ў Ичкиликка берилган одам — оловда айланаётган парвонага ўхшаб чарх уради-да, умрини ҳазон қилади.
Ў Арақхўр бурдини кўчада йўқотиб, уйдан излайди.
Ў Ичкиликни суювчи ичоди, аммо арақ унинг умрини емиради.

Ў Ичкилик ичадиган кимса ваъдасига ишонманг, у кўпикден бурдсиз бўлади.
Ў Майларастинг — ҳамёни тешик.
Ў Аччиқ арақ — ширин турмушни бузади.

Ў Арақни оқ деб ичадиганлар, унинг қилмишлари доим қора эканини унутадилар.
Ў Нашаванднинг усти бутуну, ичи тутун.

Ў Ичкилик билан ғуноҳ ораси — бир қадам.
Ў Ким ичкиликка яқинлашса оиласидан узоқлашади.

Ў Ичувчининг қадаҳи — бахтсизлик лойидан ясалган.
Ў Мастликдаги улфат — бўш шишадек арзон.

Ў Ичкиликбоз одамнинг оиласи — жамият орасида ўзини камситан кўради.
Ў Ичувчининг боласи — отаси учун ўртоғидан уялади.

Ў Оқ арақ — обрўни қоралайди.
Ў Арақхўр — оиласининг сабр қосасини тўлдирди.

Ў Бугунги маст — эртаги хушқамас.
Ў Иродали одам — араққа асир бўлмайди.


Ў Арақ — ақл кушандаси.
Ў Арақхўрнинг ақли — ўзининг газигидир.

Ў Арақхўрнинг бахти — қўлидаги қадаҳда чўнади.
Ў Мастга денгиз тўпикдан-у аммо қўлмақда қўлогига ботади.

Ў Ичкиликбоз билан яшаётган аёлни доимо ўт ичида деб билинг.
Ў Эри ичкиликни ташлаган аёл — дунёга қайтадан келади.

Ў Бир ичувчининг қасофати — етти маҳаллага қалампир.

Матлуба УЛУҒОВА,
ветеран-педагог.



Тоғ ҳавоси—тан давоси

Юзлаб ҳамшаҳарларимиз дам олиш кунлари Чимён ён бағирларига дам олгани йўл олишади. Табиатнинг мусаффо ҳавоси, қорли чўққилар, чангида учиб эвққи уларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшади. Айниқса,

унумли меҳнатдан кейин ана шундай хушманзара жойларда мириқиб дам олганга не етсин! Чимён шу кунларда ўз бағрига қўлаб чанги қишлоқларини, спорт муҳлисларини чорламоқда.

А. Кошкын, В. Миленький фотоси.

миллионни ташкил этади деган тахминлар ҳам бор.

СПИДнинг яна бир номи — ахлоқсизлик касаллиги. Ана шу ном СПИДни жаҳондаги барча мамлакатларнинг олимлари-врачлари диққатини ўзига тортувчи жумбоқ касаллик сифатида таърифлайди. Кейинги маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда дунёдаги мамлакатларнинг 160 тасида СПИД касаллиги мавжудлиги рўйхатга олинган. СССРда 260 киши СПИД касаллигига чалинган бўлиб, шулардан 220 киши чет элликлар ва 40 нафарига совет кишисидир.

ликка қандай йўл билан чалинганлиги номаълум.

Шуни айтиш керакки, СПИД — кам юқумли касаллик. Рўйхатга олинган бир неча минг кишини текшириб кўриш натижасида СПИДнинг кўйидаги йўллар билан юқуши аниқланди: 1. Мазкур касаллик билан оғиритган бемор ёки шу касаллик вирусини юқитган шахс билан жинсий алоқада бўлиш, кўпинча, ахлоқий бузуқлик; 2. Стерилизация қилинмаган, яъни юқумсизлантирилмаган шприц билан укол қилиш (бунда асосан наркоманлар назарда тутилмоқда); 3. СПИД касаллигига

Ватенимизда СПИД касаллигининг олдини олиш ва касалликни даволаш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган илмий тадқиқотлар программаси тузилганлиги ҳақида оқорида айтиб ўтилди. Соғлиқни сақлаш органлари СПИД тарқалишининг олдини олиш юзасидан умумий тиббий тадбирларни амалга оширмоқда.

Шуни айтиш керакки, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш ҳар қандай юқумли касалликдаги каби, СПИД касаллигидан сақланишда ҳам муҳим роль ўйнайди. Мазкур касаллик жинсий алоқа йўли билан, наркоманларнинг стерилизация қилинмаган, ифлос шприц ва игнаси орқали юқушнинг доимо эсда тутиш керак. Соғлом турмуш ва соғлом оила, ахлоқий бузуқликка ҳамда гиёҳвандликка қарши курашиш — СПИДдан сақланишда ҳар бир киши тасодифий, дуч келган шахслар билан жинсий алоқа қилишдан тийилиш, гомосексуалларга яқин йўлашмаслик, гиёҳвандлар — наркоманлар ва бузуқлик қилувчилар, фоҳишалардан узоқда бўлиш шарт. Қанчалик кўп киши билан жинсий алоқада бўлишса, СПИД юқитиб олиш хавфи шучалик ортади. Шунингдек, укол қилиш учун дуч келган, юқумсизлантирилмаган шприцдан фойдаланмаслик, жиндик шубҳа туғилиши биланқоч врачга мурожаат қилиш лозим. Аҳоли ўртасида санитария маорифини кенг йўлга қўйиб, хавфли касаллигининг олдини олишда актив иштирок этиш керак.

Москва ва бошқа шаҳарларда исм, фамилияни айтмасдан тиббий текширувдан ўтिलाдиган махсус кабинет (кабинет анонимного обследования) очилди. Бу кабинетда ўзини СПИД касаллигидан текширтирмоқчи бўлганларнинг исм-фамилиялари эъзб олинмайди, шунингдек уй адреслари ҳам суриштирилмайди. Бу кабинетга ҳар ким (агар ўзидан гумонсиратган бўлса) ўз ихтиёри билан келаверади.

Совет врачлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига мурожаат қилиб, СПИДга қарши курашни кучайтиришни, илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириб турувчи халқаро комитет тузишни, диагностикалар ҳамда вакциналар ишлаб чиқиш, санитария маорифи ва профилактика тадбирларини ташкил-ўтказиш тақдир этилди. Совет халқининг ишончи қомилки, дунёдаги жамми мамлакатларнинг биргаликдаги куч-ғайрати билан жуда хавфли касаллик — СПИД йўқ қилинади.

Усмон МИРАҲМЕДОВ,
медицина фанлари доктори, профессор.

Диплод ЖАЛИЛОВ,
медицина фанлари кандидати, ассистент.

Шунақаси ҳам бўлади

«ТУНДА КЎРАДИГАН ОДАМ»

Хитойлик ёш деҳқон Чан Чунфа тий қоронғида чирқоқсиз кўра олади. Унинг айтишича, кундузгига нисбатан тунда кўзи сал яхшироқ кўра экан.

Кунлардан бир кун тунда кучли ёмғир ёғиб, қишлоқни ўйирмаганида ҳамкишлоқлардан бунга ишорат қилишмасди. Ўспирини саросимига тушмади. Қонқоронғида ҳамкишлоқларнинг хавфсиз жойга бехато

олиб чиқди. Зарар кўрганларни билиб олиб, уларга биринчи ёрдам кўрсатди. Бу жасоратини кўриб, улар тунда кўришга чинакамгина ишонди. Шундан сўнг, у — «юяньдэ-жэнь» —

«тунда кўрадиган одам» деб атай бошлашлар.

Яқинда кўфузли медицина хайъати бундай ҳулоса чиқарди: ёш деҳқон дарҳақиқат кундуз ҳам, тунда ҳам юз фонз кўриш қоби

лиятга эгадир. Мутахассислар бу жумбоқли «тунги кўриш»ни ўрганишга киришдилар.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
таъйирлаган.



Шаҳарликлар дастурхонига

Тошкент область Оржоникидзе районидан Ленин номи колхоз лимонарийсиз доврғи республикамиздан ташқарида ҳам маълум ва машҳурдир. Бу ерда инсон қўли билан бунёд этилган ранг-баранг лимонлар унинг ақлзаковати, меҳнатсеварлиги ва ажойиб янгиликлар яратиб олиш иқтидоридан ақлол далолат бериб турибди. Ҳар йили бу колхоз шаҳарликлар дастурхонига ўз янги маҳсулотларини армуғон этмоқда. Бу ерда лимондан тортиб мандарингача, ранг-баранг гуллардан тортиб, янги кўкатларгача турли хил маҳсулотлар еттиштирилмоқда.

СУРАТДА: лимонарий участкаларидан бирида.

М. Нуриддинов фотоси.

ДЕНГИЗ ҚАБРИДАГИ КЎРҒОШИН

Асрлар бўйи серқатнов бўлиб келган денгиз йўли — Керчь бўғози Босфор Киммерский номи билан атаб келинади. Суи ости археологлар Тамањ ярим ороли соҳилига яқин денгиз тубидан тез-тез чўкиб кетган кеманинг металл буюмларини, қопламаларни ва турли қолдиқларини топиб туришди.

1980 йил ёзда бу ердаги қидирув ишларини Керчь тарих-археология музейи гаввослари москвалик «Энергия» клуби авкаланистлари билан биргаликда олиб боришди. Ноёб топилавлар кўп бўлди. Дастлаб қадимий грек кемасига тегишли лавгарининг кўрғошини шток топилиди. Экспедиция аъзоларини хайратга солган, денгиз тубида икки минг йилдан кўпроқ этган бу металл денгиз чўкиндиларининг юлқа қатлам билан қопланган эди. Шток секин-аста артилган, унинг сарғиш-қўнғир юзи кўринди.

Ҳамма гап шунда эдики, кўрғошиннинг захарли оксидларини моллоскарлар, қисқичбакалар ва бошқа суи ости «випишқоқлари» ёқтиришавермайди, улар кўрғошинли буюмлардан уларнинг узоқроқ тутишади. Шунинг учун қадимий греклар кўрғошини қопламалардан жон деб ўз кемалари

бордини грек кемасига тегишли лавгарининг кўрғошини шток топилиди. Экспедиция аъзоларини хайратга солган, денгиз тубида икки минг йилдан кўпроқ этган бу металл денгиз чўкиндиларининг юлқа қатлам билан қопланган эди. Шток секин-аста артилган, унинг сарғиш-қўнғир юзи кўринди.

Ҳамма гап шунда эдики, кўрғошиннинг захарли оксидларини моллоскарлар, қисқичбакалар ва бошқа суи ости «випишқоқлари» ёқтиришавермайди, улар кўрғошинли буюмлардан уларнинг узоқроқ тутишади. Шунинг учун қадимий греклар кўрғошини қопламалардан жон деб ўз кемалари

бордини грек кемасига тегишли лавгарининг кўрғошини шток топилиди. Экспедиция аъзоларини хайратга солган, денгиз тубида икки минг йилдан кўпроқ этган бу металл денгиз чўкиндиларининг юлқа қатлам билан қопланган эди. Шток секин-аста артилган, унинг сарғиш-қўнғир юзи кўринди.

Денгиз бўйларидан қидирув ишлари олиб бораётган Лаптевлик геологлар бир гап текшириб ўтган вақтида катталари қўйири уруғидан то нўхот донасимга келадиган қора металл шарчалар борлигини пайкаб қолди. Бундай шарчалар 200 квадрат километрдан ортқ майдонини турли жойларда бўлиб, айни мана шу майдонда Спирка қўли жойлашган эди. Бу ерда шундай қонуният ҳам сезилди: топилаган шарчалар қўлга қанча яқин бўлса, улар шунчаки йирик эди. Геологларнинг ҳисоб-китобига кўра, бу шарчаларнинг умумий оғирлиги бир неча минг тоннани ташкил қиларди.

Олимлар бу жумбоқли металл шарчаларнинг пайдо бўлиши билан қизқириб қолди. Текширишлар кўрсатишча уларнинг тарихий асоси аномалий, нисбатан ва марғашедан иборат экан. Тўзилиши ва элементар тўзуда қўзғилиб ётгани уларни қосаки ҳалокат натижасида пайдо бўлган деган фикр «ашёвий далил» бўлиб хизмат қилди. Эҳтимол, қадим-қадимда улкан метеорит бу шундай қонуният ҳам сезилди: топилаган шарчалар қўлга қанча яқин бўлса, улар шунчаки йирик эди.

нашган жойда са улкан воқога ҳосил бўлган ва бу жой кейинчалик суи билан тўлган. Ёришиб кетган метеорит парчалари эса ҳар томонга сочилиб кетган. Балки орадан миллион йил, балки миллион йил ўтган, бу воқеа бизга плазметамизнинг яна бир номаълум саҳифаси ҳақида сўзлаб бераётгандир.

СИМОБ ҚАНДАЙ ҚАЗИБ ОЛИНГАН

Қадимдан бизнинг мамлакатимизда симоб ватани — Фарғона водийсидан Ҳайдарон бўлган. Бу ерда узоқ ўтмишда симоб қазиб чиқарилаётганга гувоҳлик берувчи жуда кўп излар сақланиб қолган.

Булар ишлаб чиқилган тоғ кишилари, металл поналар, шамширқоқлар, симоб минерали асосини ташкил қилувчи қизил тошларни ўтга тоблаш учун лойдан қилинган идиш — ретортлар эди. Археологлар қазилмаларнинг кўрсатишча Фарғона водийсидан симоб узоқ асрлардан бундан қазиб келинган. Фақат XIII—XIV асрга келиб Чингизхон ва унинг ворислари бу ердаги ҳунармандчилик, савдо марказини яқсон қилгач, аҳоли кўчманчиларча ҳаёт кечирришга мажбур бўлди, шу билан бирга Фарғонада симоб қазиб ишлари ҳам барҳал топили.

Урта Осиёда симоб ишлаб чиқарадиган бошқа жойлар ҳам бўлган. Масалан, Сўзқорда қадимий форс шоҳлари Ахеманидлар саройидаги [эракидан аввалги VI—IV аср] ёзувларда ўша пайтларда асосий бўлиб маҳсулотли сифатида ишлатилган киноварлар бу ерларга ҳозирги Тожикистон ва Ўзбекистон территориясидан жойлашган Зарфшон тоғларидан келтирилгани қайд қилинган. Кўриниб турibdiki, симоб бу ерларга эракидан аввалги биринчи минг йиллик ўрталаригача бўлган даврда келтирилган экан.

Қадимий қончилар меҳнати оғир ва зарарли эди. Кипилинда шундай сатрлар бор: «Мен энг муҳидиш ўлимни озғидидаги тишлар ўқалиниб кетадиган

ҳам бўлган. Масалан, Сўзқорда қадимий форс шоҳлари Ахеманидлар саройидаги [эракидан аввалги VI—IV аср] ёзувларда ўша пайтларда асосий бўлиб маҳсулотли сифатида ишлатилган киноварлар бу ерларга ҳозирги Тожикистон ва Ўзбекистон территориясидан жойлашган Зарфшон тоғларидан келтирилгани қайд қилинган. Кўриниб турibdiki, симоб бу ерларга эракидан аввалги биринчи минг йиллик ўрталаригача бўлган даврда келтирилган экан.

Қадимий қончилар меҳнати оғир ва зарарли эди. Кипилинда шундай сатрлар бор: «Мен энг муҳидиш ўлимни озғидидаги тишлар ўқалиниб кетадиган

ҳам бўлган. Масалан, Сўзқорда қадимий форс шоҳлари Ахеманидлар саройидаги [эракидан аввалги VI—IV аср] ёзувларда ўша пайтларда асосий бўлиб маҳсулотли сифатида ишлатилган киноварлар бу ерларга ҳозирги Тожикистон ва Ўзбекистон территориясидан жойлашган Зарфшон тоғларидан келтирилгани қайд қилинган. Кўриниб турibdiki, симоб бу ерларга эракидан аввалги биринчи минг йиллик ўрталаригача бўлган даврда келтирилган экан.

Қадимий қончилар меҳнати оғир ва зарарли эди. Кипилинда шундай сатрлар бор: «Мен энг муҳидиш ўлимни озғидидаги тишлар ўқалиниб кетадиган

симоб қончиларга ишлашда деб билман...» Ҳозиргача ҳам қадим замонларда симоб қазиб олинган тоғ жинслири аралашмаси орасида жуда кўп кимелтарини учратиб мумкин. Шиллариндир қонларини қиздирадиган бу қизилтош учун симоб хазинасига ёриб киришга уринган минглаб одамлар ўз ҳаётларини қурбон қилиш эвазига томон тўлашлар.

Русчадан
Аҳҳам ДАМИНОВ
таржимаси.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

Ўқишга марҳамат!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ МАОРИФИ
ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ
ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИЛАРИ

1988-1989 ўқув йилига

Қабул эълон қилади

С. И. СТРЕЛКОВ НОМИДАГИ
2-ПОЛИГРАФИЧЛАР
ЎРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Билим юрти ўрта маълумотли фотонабор электрон қурилмаларида ишловчи оператор, корректор-ҳарф терувчи, офсет босма печатниклари, литоипчи, ҳарф терувчи, печатник ва муқоваловчиларни тайёрлайди.

БИЛИМ ЮРТИГА 8-10 СИНФНИ ТАМОМЛАГАН 15-18 ЁШДАГИ ЎГИЛ ВА ҚИЗ БОЛАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртини битирганлар тўлиқ ўрта маълумот ва хўнар эгаллаганликлари ҳақида диплом оладилар.

Билим юртига қабул қилинганлар бевосита кийим-кечан ва 3 маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар.

10-синфни битирганлар учун ўқиш муддати 1 йил бўлиб, улар 30 сўм миқдордаги стипендия билан таъминланадилар. 9-синфни тамомлаганлар 2-курсга қабул қилинади.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар Москва, Львов полиграфия институтларига ва Тошкент тўқимачилик институтининг полиграфия бўлимига ўқишга юборилади.

ЎҚИШ ДАВРИ ЎЗЛУКСИЗ МЕХНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Билим юртида машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.
Зарур ҳолларда ўқувчилар ётоқхона билан таъминланади.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртига кирувчилар қўйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: билим юрти директори номига ариза, тарғимани ҳол, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт (асли), 6 дона фотосурат (3х4 см.).

Адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор району, Нурхон кўчаси, 21-уй (метронинг «СССР 50 йиллиги» станцияси).

37-ЎРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Билим юрти токарлар ва фрезерчилар, слесарь-ремонтчилар, слесарь-асбосозлар, рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг операторларини тайёрлаб чиқаради.

Билим юртини битирган ёшлар Тошкентдаги «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборилади. Ўқишга ўрта маълумотга эга бўлган ва Совет Армияси сафларида мажбурий хизмат бurchини ўтаган, Тошкент шаҳрида яшовчи ёшлар қабул қилинади.

Ёшлар кишиларга ётоқхонадан жой берилади.

Ўқиш муддати — 6 ой.

МАШҒУЛОТЛАР — ГРУППАЛАРНИНГ КОМПЛЕКТЛАШУВИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Билим юртини тамомлаган ўқувчиларга эгаллаган ихтисоси ва олган разряди кўрсатилган диплом берилади.

Ўқиш даврида ўқувчиларга ойига 81 сўм стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ҳамма ўқувчиларга иш ҳақининг 50 проценти ва стипендия туланади.

Билим юртидаги ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқишга кириш учун қўйидаги ҳужжатларни топшириш талаб қилинади: ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, медицина справкаси (286-форма), яшаш жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмда), ариза.

Билим юрти адреси: 700156, Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, Д-20 квартал, 35-уй (50, 78, 94) автобуслар; 6, 11, 19-троллейбуслар; 17-трамвайнинг «20-квартал» бекати.

«УЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ»

ИХТИСОСЛАШГАН ТРЕСТИ БАЗАСИДАГИ

7-ЎРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР
БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР
ТАЙЁРЛАЙДИ:

ёритиш ва ёритиш системалари бўйича электр монтажчи, қўллаш тармоқлари ва электр асбоб-ускуналари бўйича электр монтажчи, иккиламчи коммунитария занжирлари бўйича электр монтажчи, электр слесарь, контроллер-асбоблари ва автоматлар ремонтни бўйича слесарь, фильмларни текшириш ишларида лаёқатли киномеханик, радио-телевизион аппаратураларга хизмат кўрсатиш ва уларнинг ремонтни бўйича радиомеханик, газ пайвандчи, иккиламчи занжирлар бўйича электр монтажчи.

Ўқиш муддати — 1, 2, 3 йил.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга 14,5 ва ундан катта ёшдаги, 8-10 синф маълумотида эга бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Билим юртига 10-синфни битириб ўқишга кирган ўқувчиларга ойига 30 сўмдан 35 сўмгача стипендия билан таъминланадилар. 8 синф маълумотида эга бўлган ўқувчилар давлат таъминотида бўладилар.

8 синф маълумотида эга бўлган ўқувчилар 3 йил таълим олиб, тўлиқ ўрта маълумот ва касб эгаллаганлик ҳақида диплом оладилар.

10-синфни битириб иккиламчи занжирлар бўйича электр монтажчи ихтисосига ўқитган қизлар 6 ой таълим оладилар. Уларга ойига 76 сўм стипендия туланади.

Совет Армияси сафларида ўз хизмат бурчларини ўтаб қайтган ва билим юртида электр монтажчи ихтисоси бўйича таълим олаётган ёшларга ётоқхонадан жой берилади, ойига 76 сўм стипендия билан таъминланади. Улар учун ўқиш муддати қисқартирилган (10 синф маълумотида эга бўлганлар учун — 6,5 ой; 8 синф маълумотидагилар учун — 10,5 ой).

МАШҒУЛОТЛАР — ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАШУВИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини тамомлаганлар техникум ва олий ўқув юртиларига ўқишга киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаганларга ўрта ва олий ўқув юртиларига ўқишни давом эттиришлари учун йўллама берилади.

Билим юртида техника ижодиёти, бадий ҳаваскорлик тўғрисида ва спорт секциялари ишлаб турибди.

Билим юртига кириб ўқиш хоҳишида бўлган кишилар қўйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: ариза, маълумот ҳақидаги ҳужжат, медицина справкаси (286-форма), 6 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмда), характеристика, яшаш жойидан справка.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Иванолик тўқувчилар кўчаси, 8-уй (7, 11, 9, 4, 24, 28-трамвайлар; 2, 6, 13, 16-троллейбуслар; 3, 33, 34, 40, 45, 50, 51, 54, 57, 58, 80, 99, 182-автобусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати). Телефон: 53-31-21.

Касбларнинг ёмони йўқ, ёққанини танлаб ол!

ШУЛАРДАН БИРИ — СОТУВЧИЛИК КАСБИДИР. МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ ХУЗУРИДАГИ 8 ОЙЛИК КУРСЛАРДА СЎЗ СОТУВЧИ УЧУН ЗАРУР БИЛИМЛАРНИ ЭГАЛЛАШТИРИШ КАСБ МАЛАКАСИНИ ОРТТИРИШНИНГ МУМКИН.

ЎРТА МАЪЛУМОТИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ПРОПИСКАСИ БУЛГАН 17—23 ЁШДАГИ ҚИЗЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Мазкур курсларда кенг профилдаги кичик сотувчилар тайёрланади.

Машғулотлар группалар тўлишига қараб бошланади.

Ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Хар ойда 52—63 сўм миқдордаги стипендия берилади.

КУРСЛАРНИ БИТИРГАНЛАР МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИДА ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Справкалар учун ЦУМнинг кадрлар бўлимига (3-қават, 26-хона, телефон: 56-77-95) мурожаат қилинг.

ЦУМ.



«Беларусь» чорлайди



«БЕЛАРУСЬ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ДОИМИЙ ПРОПИСКАСИ БУЛГАН, 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 17-30 ЁШДАГИ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Ўқувчиларга ойига 52 сўмдан 63 сўмгача стипендия берилади.

Ўқиш даври иш стажига кириди. Таълим жараёнида кечки мактабда ўқиб, ўрта маълумот олиш ҳам мумкин.

Ўқишга кириш учун қўйидаги ҳужжатлар талаб

этилади: директор номига ариза, ўрта ёки тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисида аттестат, ёки шаҳодатнома, иш жойидан справка, 2 та фотосурат.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР ТЎЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Адрес: Тошкент шаҳри, А. Толстой кўчаси, 6-уй (28, 72-автобуслар; 4, 18-троллейбуслар; 3, 22, 28, 25, 2-трамвайларнинг «Беларусь» бекати. Телефон: 33-47-21).

КУЙБИШЕВ РАЙОН ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДОСИ БУЛИМИ.

Мутахассислар хизматингизга тайёр

ШАҲАР УЙ-ЖОЙ
БОШҚАРМАСИ
ХУЗУРИДАГИ

1-қўрилиш бошқармасининг мутахассислари итасангиз девор ва шилларни оқшлар, гулқоғоз ёпиштиришлари, эшик, дераза, полларни мойлаб беришлари, паркет ётқизиш, сайқал беришлари, лак билан қоплашлари, ойна қўйишлари, иссиқлик трубаларини ремонт қилишлари, янгилаб беришлари мумкин.

Ремонт аҳоли материали ҳисобидан бажарилади.

ҚИЗҚИРТИРГАН БАРЧА МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ:

Куйбишев районига: Пушкин проезд, 6-уй.

Телефон: 33-06-22, 33-10-53;

Чилонзор ва Октябрь районларида:

Чилонзор массиви, 6-квартал, 47-уй. Телефон: 78-29-10.

Акмал Икромов, Фрунзе ва Сергели районларида:

Чилонзор массиви, 11-квартал, 36-уй. Телефон: 76-14-47.


Киров, Собир Раҳимов районларида:

Юнусов массиви, 6-квартал, Телефон: 24-64-72.

Ленин ва Ҳамза районларида:

К. Цеткин кўчаси, 45-уй.

Иссиқлик системасини янгилаш масалалари юзасидан 67-55-73, 33-06-22 телефонлари орқали қўнғироқ қилинг.



Шаҳар уй-жой бошқармасининг 1-қўрилиш бошқармаси.

Аҳоли диққатига!

Тошкент шаҳрининг

район озиқ-овқат савдо-

си бўлими аҳолининг

бевосита уйига бориб, иш-

ла идишларни йиғиш би-

лан шуғулланувчи коопе-

ративларни ташкил этиш-

да ёрдам берадилар.

Аҳолининг уйдан йи-

ғиб келинган ҳар бир иш-

ла идишларни йиғиш би-

нинг ҳажмидан келиб чи-

қиб) 2 тийиндан 4 тийин-

гача ҳақ туланади.

Справкалар учун теле-

фон: 33-72-59.

Тошкент шаҳар Совети

ижроия комитетининг савдо

бош бошқармаси.

«Союзторгреблама» Бутуниттифок
бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ
МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

17-«ОБУНА НАШРЛАРИ» МАГАЗИНИНГ
БУКИНИСТИК
БЎЛИМИ
ҚУЙИДАГИЛАРНИ
ТАКЛИФ ЭТАДИ

Совет тарихий энциклопедияси, 16 томлик.

Санъатнинг умумий тарихи, 6 томлик.

М. ГОРЬКИИ. Асарлар тўплами, 30 томлик.

Д. ГОЛСҶОРСИ. Асарлар тўплами, 16 томлик ва бошқа нашрлар.

Мазкур нашрларни нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли билан харид қилиш мумкин.

Магазин аҳолидан обуна нашрлари, энциклопедиялар, бадий адабиётлар, бошқаруш адабиётлари, фалсафа ва санъатга оид адабиётларни преysкурант нархларида сотиб олади.

МАГАЗИНИНГ ОБУНА НАШРЛАРИ БЎЛИМИДАН ҚУЙИДАГИ КИТОВЛАРНИ СOTИБ ОЛИШ МУМКИН:

СССР қонуналари мажмуаси, 10 томлик.

УЗУМЧИЛИК. Энциклопедия, 3 томлик.

АФРИКА. Энциклопедия, 2 томлик.

А. С. ПУШКИН. Асарлар тўплами, 3 томлик.

Магазин адреси: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, 7-уй (10, 18, 1-троллейбуслар; 14, 43, 97-автобусларнинг «Таштрасагентство» бекати).

«МАТБУОТ» полиграфия
ишлаб чиқариш
бирлашмасининг

3-ТОШКЕНТ
БОСМАХОНАСИ

буюртмачининг ўз материали ва босмахона ҳисобидан чекланмаган миқдорда гувоҳномалар, заҳёт дафтарчалари, ўқувчи билеги, турли хил папкалар, блокнотлар, шунингдек турли катта-кичик ҳажмдаги кўтиларни тайёрлаб бериш юзасидан

ТАШКИЛОТЛАРДАН

БУЮРТМАЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Қуйидаги адресда жойлашган 3-босмахонага мурожаат қилинг: Тошкент шаҳри, Юнусов массиви, Муродов кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 24-86-77, 24-79-97.

Тошкент область мактабгача тарбия педагогика билим юрти томонидан Қоробоева Набира Ҳуломовна номига берилган 37-1-872777 номерли йўқолган

ДИПЛОМ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

РЕДАКЦИЯ
АДРЕСИ:
700083, Тошкент,
Ленинград
кўчаси, 32.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИ.

РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ИЖОДИЕТИ ВА МАДАНИЙ
ОҲАРТУВ ИШЛАРИ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ,
СОВЕТ МАДАНИЯТ ФОНДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН
БЎЛИМИ

20 март соат 16 ва 19.00 да

ШАҲАР «БИЛИМЛАР УЙИ»НИНГ КАТТА ЗАЛИДА

Афғонистонда ўз интернационал бурчини ўтаб қайтган совет жангчиларига бағишлаб
«ДУНЕ. ЕШЛИК»
шиори остида

Хайрия концертини ўтказадилар

Қатнашадилар:
«ДАР ВЕТЕР» РОК-ГРУППАСИ.
Бадий раҳбари — Владимир Петухов.
«ДАУ-МЕТАЛЛ» РОК-ГРУППАСИ.
Бадий раҳбари — Виталий Лям.
Рок-музика ҳақида сўз — Л. Юсупов.
Режиссёр — Станислав Мансуров.
Концертдан тушган маблағ жангчи-интернационалистларга Тошкент шаҳрида бунёд этиладиган ёдгорлик қурилишига ўтказилади.

Тошкент Давлат циркида



24 МАРТДАН 31 МАРТГАЧА
мактаб ўқувчиларининг баҳорги каникули кунлари
МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ

Катта томошалари

2 БЎЛИМДАН ИБОРАТ РАНГ-ВАРАНГ ПРОГРАММА

МАНЕЖДА — ЎРГАТИЛГАН МАЙМУНЛАР, ИТЛАР, ОТПЛАР.

Томошалар соат 10.30, 13.00, 16.00 да бошланади.

Коллектив бўлиб тушиш учун буюртмалар қабул қилинмоқда.

Олинган билетлар сотиш кассалари ишляпти.

Касса — соат 10 дан 20.00 гача очик.

Справкалар учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84.

Радиоҳаваскорлар диққатига!

«ЭЛЕКТРОНИКА»
ТОШКЕНТ «ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМА
МАГАЗИН-САЛОНИ

ҚУЙИДАГИЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ:

— «ЭЛЕКТРОНИКА-ГИС 02Т» — ТЕЛЕВИЗИОН СИНОВ СИГНАЛЛАРИ ГЕНЕРАТОРИ.

У қайтадан йилгиланг телевизорларни сошлаш ва текшириб кўриш, серияли ишлаб чиқарилаётган рангли ва оқ-қора тасвирдаги телевизорларни ремонт қилиш ва сошлаш учун мўлжалланган.

Генератор ранглар частотасини, йўл сатрлари, кадрлар тасвири ва ҳоназоларни назорат қилиш ва сошлаш имконини беради.

Баҳоси — 195 сўм;

— «ЭЛЕКТРОНИКА ПЭ-11» ФЛЭНДЖЕР ПРИСТАВКАСИ ЭЛЕКТРОН МУЗИКА АСБОВЛАРИ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН.

«Флэнджер» приставкаси электрон музика асбоблари (ЭМИ) транжига вақтинча тўхталиш қиритиб, бунинг эвазига электрон музика асбоблари овоз жарангига янги жиҳатлар қўйиш имконини яратди, бунга бошқа йўллар билан сира эришиб бўлмайди.

Баҳоси — 80 сўм.

Мурожаат учун адрес: 700000, Тошкент шаҳри, Тоголь кўчаси, 38-уй. Телефон: 33-78-34.

КИРОВ РАЙОН АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

КИРОВ РАЙОН УЙ-ЖОЙЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТРЕСТИНИНГ

КИРОВ РАЙОН УЙ-ЖОЙЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА АЙЛАНТИРИЛГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

10, 12, 22, 30, 37, 38, 41, 48, 51, 68, 70, 76, 79, 83, 92, 98, 99-уй-жойлардан фойдаланиш участкалари қайта ташкил этилиб, уларнинг базасида уй-жойлардан фойдаланиш бошқармалари таркиб топди:

1-БОШҚАРМА — 10, 12, 30-ЖЭУ базасида, адрес — Марказ-4, 24-уй, телефон: 35-45-39.

2-БОШҚАРМА — 22, 48, 37, 70-ЖЭУ базасида, адрес — Юнусов массиви, 2 квартал, 20-уй, телефон: 24-16-39.

3-БОШҚАРМА — 38, 51, 76, 83-ЖЭУ базасида, адрес — Юнусов массиви, 11 квартал, 7-уй, телефонлар: 24-06-52, 24-06-57.